



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М М И

2010 йил 18 июнь, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 118 (11.679)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI савдоси
аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

● Алоқа тарихи музейида ахборот-коммуникация технологиялари ата-малари луғатининг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу нашр БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида мамлакатни ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини шакллантириш ва жорий қилишда кўмаклашишга оид (ICTP) лойиҳаси, Компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни мувофиқлаштириш кенгаши ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида тайёрланди.

● Жиззах вилояти Баҳмал туманидаги «Сарой» фуқаролар йиғинида янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиали молиявий кўмағида «Темурбек» хусусий фирмаси томонидан барпо этилган ушбу гузар қишлоқ кўрғида кўрк қўшди.

● «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

● Сирдарёлик пиллакорлар қабул пунктларида 585 тоннадан ортиқ сара хомашё топширди. Ипак қуртини парваришlash мавсумида 11260 пиллачилик бўғини фаолият кўрсатди. Вилоят бўйича 2009-2010 йилларда 409 гектар қўшимча тўздорлар барпо этилиб, агротехника талаблари асосида парвариш қилинган, ипак қуртининг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилгани маҳсулдорлиқни оширишда муҳим омили бўлди.

● Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган ихтисослаштирилган кўргазма-савдолар фермер ва тадбиркорлар учун янги имкониятлар очиб, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлаётди. Урганч шаҳрида бўлиб ўтган Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган минтақавий кўргазма-савдосида Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан хусусий сектор вакиллари фаол иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британияда ишсизлар сони камаймоқда, дея хабар тарқатди «Евро-ньюс» телеканали. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига қўра, мамлакатда ишсизлар миқдори 40 минг кишига қисқарган.

● Германиянинг Берлин шаҳридаги Темпельхоф аэропорти жорий йилнинг май ойидан бошлаб фаолиятини тўхтатди. Эндиликда аэропортнинг 380 гектарлик майдонини дам олиш масканига айлантириш режалаштирилмоқда.

● Россиянинг «АвтоВАЗ» автомобилсозлик компанияси ўтган йилни катта миқдордаги зарар билан якунлаган. Корхона матбуот хизмати маълумотларига қараганда, муассаса 2009 йилда 49,2 миллиард рубль зиён кўрган.

● Бир неча кундан буён АҚШнинг «Spirit Airlines» авиакомпанияси ходимлари иш ташлаш уюштиришмоқда. Унда асосан учувчилар иштирок этапти. Манбада келтирилишича, ходимлар тўланаётган маош миқдоридан норози бўлиб, шундай йўл татишмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кичик бизнес

Янги йўналишлар ташкил этилади

Бозорни ўрганиш асосида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларимиз маҳсулот сифатига, турларини янгилашга, хилма-хил йўналишлар бўйича лойиҳалар устида ишлашга катта эътибор қаратади. Бу эса албатта иқтисодий ривожда алоҳида аҳамият касб этади.

— Тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда оилавий бизнес билан шуғулланишни маъқул деб билдим, — дейди «Аъло омад ривож» масъулияти чекланган жамияти директори Махфура Қодирова. — Фаолиятимизни канцелярия товарлари ишлаб чиқаришдан бошладик. Сўнгра кичик цехимизни тикув машина ва бошқа зарур дастгоҳлар билан жиҳозлаб, кўрпа ва ёстиқ жилдлари, трикотаж буюмларини тайёрлашга киришдик. Бугунги кунда корхонамизга давлат байроқларини тайёрлаш ишониб топширилган. Лицензияга асосан уларни талабга мос тайёрлаб келмоқдамиз.

Корхонада бугунги кунда 20 нафар ишчи-хизматчи иш билан таъминланган бўлиб, 60 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 240 та давлат байроқларини буюртма асосида тайёрлашда дизайнер ва чеварларнинг хизмати катта.

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни

ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида 40 нафар хотин-қиз уй шароитида меҳнат билан машғул бўлмоқда. Улар зарур ускуна ва хом ашё билан тўлиқ таъминлаб борилади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва республикамиз ҳудудларидаги харидорларга қулайлик яратиш мақсадида Фарғона ва Андижон вилоятларида корхона филиаллари ташкил этилиб, бу ерда асосан буюртма бўйича ўқувчилар учун махсус формалар тикилмоқда. Қулайлиги ва замонавийлигига эътибор қаратилаётганлиги боис маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Корхона қошида ташкил этилган ўқув марказида эса малакали кадрлар тайёрлашга, уларни иш билан таъминлашга эришилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли.

Шу ўринда айтиш лозимки, корхона раҳбари

Махфура Қодирова излаганидан, тажриба ортиришдан, ташаббус кўрсатишдан асло чарчамайди. У хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб чет давлатларда бўлади. Мамлакатимизда ўтказилаётган кўргазма, кўрик-танлов ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этади, меҳнати муносиб баҳосини ҳам олмақда.

Жумладан, Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг Собир Раҳимов тумани босқичида голибликни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлган М.Қодирова пойтахт миқросида «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси голиби бўлди.

Албатта, муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди. Тадбиркорлик билан иш юритаётган раҳбар меҳнати ўлароқ корхона маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Баракали меҳнат ҳар доим ўз самарасини беради.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳакимжон Солихов
олган суратлар

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Шайхонтохур туманида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир Адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университетда «Ўзбекистон тарихи ва архив иши интеграцияси муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда ахборот коммуникация технологияларига оид изоҳли луғатнинг тақдимот маросими ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Кўзи ожизлар жамияти тасарруфидаги ишлаб чиқариш корхоналари иштирокida «Модернизация — жамият келажаги» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тошкентдаги «Elektromotors Asiya» масъулияти чекланган жамият ўз ҳамкори — Екатеринбургнинг «Enegal» ёпиқ акциядорлик жамиятига йил бошидан буён 1640 донадан ортиқ умумсаноат мақсадларига мўлжалланган асинхрон двигателларни етказиб берди.

Фармон ва ижро

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

«Elektromotors Asiya» компаниясидан хабар беришларича, жорий йил якунига қадар турли модификация ва қувватга эга яна икки мингга яқин электр моторлар жўнатилади. Бу Президентимиз Исроом Каримовнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида амалга оширилмоқда.

2004 йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Elektromotors Asiya» компанияси ҳозирги пайтда миқозларига кўплаб турдаги маҳсулотларни тақлиф этмоқда. Турли электр двигателлар, мотор-редукторлар, насос ускуналари, дизель ёқилғиси билан ишлайдиган саноат генераторлари, монометрлар, инверторлар, ишга тушириш тизимлари, частотали ўзгаришчи мосламалари ва иқтисодийнинг барча тармоқларида ишлатиладиган бошқа технология ускуналар шулар жумласидандир. Компанияда ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар халқаро ва европа сифат стандартларига жавоб беради.

Россия, Германия, Италия, Испания, Финляндиядаги ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларнинг йўлга қўйилгани мамлакатимиз ички бозорига етказиб бериладиган маҳсулотлар ҳажмини ҳам янада кенгайтириш имконини бермоқда. Нефть-газ, кимё, пахта-қайта ишлаш, аграр, қурилиш тармоқлари корхоналари компания маҳсулотларининг асосий буюртмачиларидандир. Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида компания филиаллари очилган.

Компаниянинг буюртмалар портфелида юзлаб шартномалар бор. Йил бошидан буён истеъмолчиларга қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ миқдорда хар хил турдаги маҳсулот етказиб берилди. Айни пайтда, маҳсулот экспорт қилинадиган мамлакатлар гео-

графиясини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастуридаги фаол иштироки корхонанинг самарали ишлашида муҳим омили бўлмоқда. «Enegal» савдо белгиси остида асинхрон электр двигателларини ишлаб чиқариш бўйича ушбу компания ташкил этилди. Биринчи босқичда йилига 1200 донадан ортиқ АИР нусхали электр двигателларини ишлаб чиқариш мўлжалланган. Кейинчалик маҳсулот тури, параметрлари ва техник хусусиятларига қараб ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш назарда тутилмоқда. Ушбу двигателлар турли механизмларни улашга мўлжалланган бўлиб, саноатнинг кўплаб тармоқларида кенг қўлланилади. Компания модернизациялаш ва техник янгилаш ишларини амалга оширадиган корхоналар учун кўплаб турдаги электр техник ускуналарни лизинг асосида тақдим этади.

«Elektromotors Asiya» компанияси фаолиятининг яна бир йўналиши — энергоаудит бўлиб, бунда корхоналарнинг энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш бўйича текшириш, энергия тежаш салоҳиятини белгилаш ва уни амалга оширишда энг мақбул усуллар бўйича ишлов бериш, энергия сарфини камайтириш чораларини топиш ишлари амалга оширилади. Тегишли ҳисоб ва назорат асбобларини қўллаш, энергияни истеъмол қилувчи эски паркни алмаштириш, энергонеэкономияни ташкил қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир. «Oxangaronshifer», «Elholding», «Sino», «Orzu» очик акциядорлик жамиятлари ва бошқа қатор корхоналарнинг ана шундай буюртмалари бажарилади. Мазкур корхоналарда тақлиф этилган амалий чораларнинг ижроси самарасида энергия сарфини 10 фоиздан 30 фоизгача камайитиришга эришилди.

В.НИКОЛАЕВ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик, қўмита ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П.Рейимов мамлакатимизда Президентимиз Исроом Каримов раҳнамолигида экологик барқарорликни таъминлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Бу йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида мамлакатимиз 1995 йилда Биохилма-хилликни сақлашга оид халқаро конвенцияга қўшилди. Биохилма-хилликни соқлаш миллий стратегияси ва Ҳаракат режаси асосида тизимли ишлар олиб борилаётгани самарасида мамлакатимиздаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар янада кенгайтирилди.

Бу жараёнда атроф-муҳитни муҳофазалаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи ўз фаолиятида бу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тадбирда атроф-муҳитни муҳофазалаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан депутатлар, тегишли вазирлик ва қўмиталар мутахассисларининг тақлифлари муҳокама этилди.

(Ў.А.)

2010 йил —
Баркамол
авлод йили

ТАЪЛИМ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Пойтахтимизда узлуксиз таълимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу конференцияда Қонунчилик палатаси депутатлари, таълим тизими мутасаддилари, олий ўқув юрталарининг ректорлари, профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э.Юсупов, Тошкент давлат педагогика университети ректори Ф.Ҳайдаров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли, изчил ислохотлар натижасида ёшларнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги тобора юксалаётганини таъкидлади.


Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунини, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларга билим ва тарбия бериш тизимининг барча бўғинларини такомиллаштириш, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув юрталарини барпо этиш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим сифати ва мазмунини янада юксалтириш ҳамда юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда муҳим омили бўлаётди. Ёш авлодга билим беришнинг узлуксиз, узвий, босқичма-босқич, кучли ижтимоий йўналишларини тизими халқаро ва миллий таълимнинг энг яхши анъаналарини ўзида уйғунлаштирган.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялари, илгор маърифий услубларни жорий этиш орқали мамлакатимизнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий ўқув юрталарида ёшларга билим бериш сифатини янада яхшилаш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу эса давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларини такомиллаштириш, ушбу масъулиятли жараёнга замон талабига ҳамоҳанг ёндашишни таъқозо этади.

Мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари, дастурларни янгилаш, янада бойитиш, такомиллаштириш, мактаблар, коллеж ва академик лицейлар, олий таълим даргоҳлари учун янгиланган ўқув адабиётлари, қўлланмалар, ўқув-услубий нашрларни тайёрлаш ҳамда чоп этиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Конференцияда давлат таълим стандартини янги лойиҳасининг таркибий тузилиши, янги таълим стандартларига ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш, касб таълими давлат таълим стандартларининг ўзига хос хусусиятларига оид мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Назозат Усмонова,
ЎЗА муҳбири



2001 йилдан буён фаолият юритаётган мазкур корхонада табиий чармдан экологик тоза, юқори сифатли пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Эркак, аёл ва болажонларга мўлжалланган оёқ кийимлари қулай ва нисбатан арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса товон қисми каучук асосида тайёрланиши пойабзал харидорлигини таъминламоқда. Йилга 350-400 нусха яратилиб, «Нафис» савдо белгиси билан сотувга чиқарилади.

— Президентимизнинг «Маҳаллий ноозик овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қорхоналарда юқори сифатли, импорт

Иқтисодиёт

ХАРИДОРГИРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш натижасида қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари ортиб, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топмоқда. Улар орасида «Нафис» масъулияти чекланган жамияти ҳам ўз ўрнига эга.

ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим омили бўлмоқда, — деди қорхона директори Нигматилла Раҳимов. — Қарорга мувофиқ микрофирмалар ва кичик қорхоналар қатор имтиёзларга эга бўлди.

Германия ва Италиянинг етакчи компаниялари техно-

логик линиялар билан жиҳозланган қорхонада ҳозирда 40 нафар киши меҳнат қилмоқда. Фирма дўкони ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда мижозлар тақдирлари ҳам ўрганиб борилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, эксклюзив моделлар ҳам мижозлар илтимосига биноан яратилади.

Айни пайтда қорхонада янги-янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, қўшимча иш ўринлари очиб устида изланишлар олиб борилмоқда.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА
Ҳақимжон Солиқов
олган суратлар

Қарор ва ижро

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, турли антропоген ва табиий омиллар таъсирида сайёрамизда ҳар йили фойдаланишга яроқли олти миллион гектар ер саҳрога айланмоқда. Чўлланиш кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти ривожига салбий таъсир кўрсатаётди. БМТ томонидан бундай экологик муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган Чўлланишга қарши кураш конвенциясига бир юз тўқсондан зиёд мамлакат аъзо бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармасида 17 июнь — Жаҳонда саҳролаштириш ва қуруқчиликка қарши кураш кунига бағишлаб ташкил этилган анжуманда шу ҳақида гап борди. Унда олимлар, мутахассислар, тегишли вазирлик ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўтган асрда рўй берган Орол муаммоси юртимизда саҳролаштиришга сабаб бўлмоқда. Ушбу вазиятни барқарорлаштириш мақсадида мамлакатимиз 1995 йилда БМТнинг Чўлланишга қарши кураш конвенциясига қўшилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси унинг миллий ижрочи агенти ҳисобланади.

Мазкур бошқарма бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тегишли давлат, жамоат ташкилотлари, жумладан, БМТнинг Атроф-муҳит ва Тараққиёт дастурлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган миллий дастур асосида кенг қўламли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этаётди. Олимларимиз ва мутахассислар Оролбўйидаги ноҳус экологик вазиятни барқарорлаштириш, чўл минтақаларида қум барханлари қўшиқининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, аграр тармоқда илгор технологияларни қўллаш бўйича самарали илмий тадқиқотлар олиб бориб, амалий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 31 октябрда қабул қилинган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилган қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш ва барқарор ривожланишга эришиш билан боғлиқ тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда юксак самаралар бераётди.

Бу йўналишдаги вазифаларни бажариш мақсадида 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид давлат дастури қабул қилинди. Мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, тиклаш, таъмирлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида 2009 йилда 240 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Анжуманда ана шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, ютуқлар ва ечимини қўлга олишга оид миллий стратегия ва ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси, ер ресурсларини бошқаришда минтақавий ҳамкорлик, сувдан фойдаланишда жуғрофий ахборот тизимларини татбиқ этиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Куни кеча

ногиронлик мавзусини ОАВда ёритиш масалаларига бағишланган уч кунлик амалий семинар бўлиб ўтди.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Журналистлар учун ўтказилган мазкур тадбир Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастури "ACCESS" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўқув машғулотларида мутахассисларнинг ўзбек ва рус тилларидаги маърузалари тингланди. Мавзунинг ёритиш борасида журналистларнинг билим, кўникма ва маҳоратини шакллантириш орқали касбий лаёқатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда одамларда жисмоний имконияти чекланганлар борасидаги хабардорлик даражасини ошириш, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ва салоҳиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг ишга жойлашишида кўмаклашишни кенг тарғиб қилиш масалалари илгари сурилди.

Мутахассислар ушбу қатлам вакиллари билан мулоқот жараёнида этика меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Интерфаол таълим услубларини қўллаш орқали тренинг қатнашчилари ижодий ва танқидий фикрлар алмашиш имкониятига эга бўлди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Иқтисодиётнинг эркинлашуви, бозор механизми реал ҳолатда ҳаракатланиши кўп жиҳатдан солиқ ва солиққа тортиш масалалари қай даражада эканлигига боғлиқ.

Бу эса, ўз навбатида, солиқ механизмининг такомиллаштиришга қаратилган давлат сиёсатини долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада солиқ юкиннинг истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида оптимал нисбати белгиланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз солиқ тизимида 20 дан ортиқ солиқ ва йиғимлар мавжуд бўлиб, асосий улуш умумдавлат солиқларига тўғри келади. Солиқларнинг турли хиллиги уларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш жараёнида баъзи муаммоларни келтириб чиқаради, бунинг учун эса амалдаги солиқ сиёсатини қайта кўриб чиқишни таъқозо этмоқда.

Назоратнинг тўла бўлмаслиги солиқлардан қочишга олиб келади. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши маълум даражада солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш қонунчилик негизи шаклланишига боғлиқдир. Солиқ соҳасидаги масалаларга доир қабул қилинаётган турли-туман қарорлар, маҳкамавий йўриқномалар, шунингдек, уларга киритилаётган қўллаб-қўллагичлик ва қўшимчалар аниқ бир сокин иш фаолиятини ўзгартириб туради. Қорхоналар раҳбарлари, иқтисодчилар ва бухгалтерларга шундай вазиятда барча янгиликлардан бохабар бўлиб туриш осон эмас. Кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлик орасида қўнун ҳужжатлари моҳиятини етарли даражада англаб етатиш ҳамда солиқ тизимининг амал қилиш жараёнида бемалол фаолият юритадиган, солиқ базасини яширмасдан, ўз фойдаланиши янада такомиллаштиришга интиладиганлар кўпми, деган савол туғилиши табиий. Бу борада солиқ қонунчилигини тўлғитириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, бухгалтерлар, умуман аҳолининг ҳўқуқий билими даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ қонунчилигидаги қўллаб-қўллагичлик ва қўшимчаларни меъёрида жорий этилиши, солиқ тўловчилар учун аниқ ва тушунарли меъёрий-ҳўқуқий ҳўжатларнинг жорий қилиниши, оммавий ахборот воситалари орқали солиқларнинг моҳияти тўғрисидаги қизиқарли кўрсатув ва телемулоқотлар намойиши албатта солиқ тўловчи онгиде солиқларнинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти ҳақида билим ва кўникма ҳосил қилади ва солиқдан қочиш ҳолатлари камайтирилади. Солиқ қонунчилигидаги турли меъёрий-ҳўқуқий ўзгаришларни молия йилининг қизгин даврида жорий қилиш ҳўллари камайтирилиши ҳам солиқ тўловчиларни бир маромада иш фаолиятини олиб бориши учун қулайдир.

Қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчаларни меъёрида жорий этилиши, солиқ тўловчилар учун аниқ ва тушунарли меъёрий-ҳўқуқий ҳўжатларнинг жорий қилиниши, оммавий ахборот воситалари орқали солиқларнинг моҳияти тўғрисидаги қизиқарли кўрсатув ва телемулоқотлар намойиши албатта солиқ тўловчи онгиде солиқларнинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти ҳақида билим ва кўникма ҳосил қилади ва солиқдан қочиш ҳолатлари камайтирилади. Солиқ қонунчилигидаги турли меъёрий-ҳўқуқий ўзгаришларни молия йилининг қизгин даврида жорий қилиш ҳўллари камайтирилиши ҳам солиқ тўловчиларни бир маромада иш фаолиятини олиб бориши учун қулайдир.

Солиқ юкнини энгиллаштиришда фақатгина солиқ ставкаларини камайтириш билан чекланмай, балки солиққа тортиладиган базани ҳисоблашда турли умумий ажратма ва чегирмаларни чиқариб ташлаш ҳам солиқ суммасини қисман камайтирилади. Тизимини янада такомиллаштириш борасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва улар фаоллигини оширишда солиқлардан самарали восита сифатида фойдаланиш, хусусий қорхоналарда солиқ оғирлигини пайсатириб бориш имкониятларини яратиш, солиқ тўловчилар онгиде солиқларни иқтисодий аҳамиятини ва заруриятини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши, шунингдек соҳа ходимлари нафақат асосий билимини эгаллаши, балки ҳисобчилик ва ҳўқуқшунослик бобида ҳам яхши ахборотга эга бўлиши лозим, деб ўйлаймиз.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент молия институти талабаси

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Яхши маълумки, иқтисодиётнинг ҳаракатга келтиришда ҳал қилувчи кучлардан бири пул ҳисобланади. Чунки мамлакат иқтисодиётидаги пулнинг миқдори ва унинг айланган тезлиги унда амалга оширилган иқтисодий муносабатларда муҳим ўрин тутди.

Бу борада фонд биржаларининг аҳамияти беқиёс. Қимматли қоғозлар бозорининг иқтисодий аҳамияти бозор бўлган фонд биржаларининг асосий вазифаларидан бири ҳам «ўлик пулларни тириштириш» ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат ўз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда фонд биржаларига жиддий эътибор қаратади.

Мамлакатимизда ҳам қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва мустаҳкам фаолият юритиши, ҳўжалик субъектлари томонидан инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш ва акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур жараёнларда «Тошкент» республика фонд биржаси алоҳида ўрин тутди.

Ўтган йилда мазкур биржа савдоларида 7514 та битим амалга оширилди, 314 та акциядорлик жамиятининг 217,6 миллион донна қимматли қоғози сотилди. Биржанин умуий айланмаси 89,9 миллиард сўмини ташкил этган бўлиб, шундан 12 миллион АҚШ доллари — хоржий валютага сотилган қимматли қоғозлар улушига тўғри келади. Иккиламчи бозор улушига 79,4 фоиз айланма маблағ тенг бўлаётди.

Тармоқ таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилда инвесторларда молиявий тармоқ компанияларининг қимматли қоғозлар катта қизиқиш уйғотган. Бу — биринчи навбатда банк, сугурта ташкилотлари ва лизинг компанияларининг акция ва облигацияларидир. Мазкур тузилмаларнинг умуий биржа айланмасидаги улуши 53,8 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, инвесторлар томонидан саноат, агросаноат мажмуи ва қурилиш қорхоналари акцияларига ҳам эътибор катта бўлганини алоҳида қайд этиш лозим. Фонд биржасининг расмий биржа листингига киритилган қорхоналарнинг акцияларига ҳам талаб юқори бўлган.

Фонд бозорининг ўзига хосликларидан бири хусусий инвесторлар — жисмоний шахслар томонидан акцияларга бўлган талаб ортиши ҳисобланади. Агар 2006-2008 йилларда жисмоний шахслар томонидан йилга 6-7 миллиард сўмлик акциялар сотиб олинган бўлса, 2009 йилда мазкур кўрсаткич деярли икки баравар ошди, битимлар умуий ҳажмининг 14 фоизини ташкил этди.

Умуман олганда, амалга оширилган барча битимларнинг яримга яқини хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келади. Фонд биржасининг 2010 йилдаги фаолиятида листинг компаниялар улушини кўпайтириш ва корпоратив облигациялар бозорини ривожлантириш асосий йўналишлар бўлаётди.

Йўлдош ҲАМИДОВ,
Гулбахор ИСРОИЛОВА,
Тошкент молия институти талабалари

ХИЗМАТ УЧУН ҲАҚ ТўЛАШНИ УНУТМАЙЛИК

Республикамизда ишлаб чиқариш қорхоналарига давлатимиз томонидан кўплаб қулайлик ва имтиёзлар яратилган. Улардан унумли фойдаланаётган субъектлар юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётди. Лекин қонунларни четлаб ўтмоқчи бўлган, кўрсатилган хизматдан бемалол фойдаланиб, ҳақини тўлашдан бўйин товлаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу борадаги қонунбузарликларнинг олдини олишда солиқ инспекцияси ходимлари томонидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Учтепа туманида жойлашган ва электр энергияси истеъмоли учун муддати ўтган қарздорликка эга бўлган юридик субъектлар бўйича солиқ инспекцияси томонидан электр тармоқлари қорхонаси билан ҳамкорликда мунтазам рейдлар ўтказиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган «Юридик шахслар томонидан истеъмоли қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисида»ги йўриқномага асосан

электр энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан истеъмоли қилинган ва тўлов муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд юридик шахсларнинг қарзини мол-мулкдан ундириш белгиланган. Шунга асосан тумандаги 86 та қорхона реестр асосида солиқ инспекциясига топширилган бўлиб, мазкур субъектларнинг 22,5 миллион сўмлик қарзи тўлиқ ундирилди.

Шунингдек, солиқ инспекцияси томонидан иш берувчи томонидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига мажбурий бадалларнинг тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши ҳамда ўз вақтида киритилиши юзасидан ҳўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари ҳамда бюджет ташкилотлари бўйича газначилик бўлимлари орқали тизимли назорат ўрнатилган бўлиб, бу борада ҳам режалар ишлаб олиб боришмоқда.

Эршод МИРҚОСИМОВ,
Юсуф АБДУВАЛИЕВ,
Учтепа тумани давлат солиқ инспекцияси мутахассислари



Саломатлик бурчаги

БОЛАЛАР ЭШИТИШ АЪЗОЛАРИНИ АСРАНГ

Маълумки, кўриш ва эшитиш аъзолари одамлар ўртасидаги мулоқотлар асоси ҳисобланади. Гўдакнинг эшитиш аъзолари асосан тўртинчи ва бешинчи ёш ораллигида фаол ривожланиши аниқланган. Бироқ, гўдакнинг эшитиш қобилиятига хавф солувчи ҳолатлар ҳар қадамда учраб туради.

Гўдаклик чоғида атроф-муҳит эшитиш аъзосининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Одатда, болалар ташқи шовқинларга жуда сезгир бўлишади, атрофдаги ноқулай шaroитлардан гўдакнинг эшитиш аъзолари жароҳатланиши мумкин.

Кўчалардаги қаттиқ шовқин-суронлар гўдакка жиддий таҳдид солиши турган гап. Доимий шовқин муҳитида қолган гўдак организми етарли даражада ривожлана олмайди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бизнинг давримизда ўсмир қиз-йигитлар қулоққа ўрнатилган овоз кучайтиргичлар орқали мусиқа тинглаб, эшитиш қобилиятларига катта зарар етказишади.

Транспорт тўйғули юзага келадиган шовқинларда шовқинлар асаб тизимининг жиддий ишдан чиқишига сабаб бўлади. Олимларнинг айтишларича, бундан ташқари, шовқин таъсиридан оғир

оқибатлари юзага келиши ҳам мумкин. Улар орасида диққатни жамлаш қобилиятини йўқотиш, қон босимининг ошиши, юрак хуружлари, уйқунинг бузилиши ва бодомсимон безларнинг катталаниши мисол қилиб келтириши мумкин. Бу ҳолатлар албатта болаларга ҳам тааллуқли.

Ўрта қулоқнинг яллиғланиш касалликлари ҳам эшитиш қобилиятининг сустлишига олиб кела олади. Шунингдек, эшитиш қобилиятига зарарли таъсир этадиган бошқа омиллар ҳам кўп. Атроф-муҳитдаги зарарли моддалардан ташқари турли хил дори-дармонлар ҳам зарар келтиради. Айниқса, мейвядан ортик дозадаги дорилар жуда хавфли — улар бола қулоғига ўнглаб бўлмайдиган ҳолатда зарар қилиши мумкин.

Тунги клублар ва концертларда, mp3-плеерлар каби электрон ускуналарда товуш баланглигини чеклашни жорий этиш керак. Болалар уйинчоқлари хусусида ҳам баъзи бир андозаларни ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, товуш манбаидан 50 сантиметр оралиқда товушнинг энг баланд даражаси очик ҳавода 75 децибелдан ошмаслиги шарт.

Султонмурод БЕРДИЕВ,
олий тоифали
шифокор-отоларинголог

Коинот янгиликлари

ХЬЮСТОН: XXI АСРДА ОЙ БИЗНИ ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ...

Хьюстонлик олимларнинг таъкидлашларича, турли хил энергияни ишлаб чиқаришда оз берадиган атроф-муҳитнинг инфлосланиши билан боғлиқ муаммолардан Ерни муҳофаза қилиш усулини топшиди. Доктор Дэвид Крисвелл раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи Ой юзасида жойлаштириладиган Кўёш батареяларидан энергияни тўплайдиган LSP (Lunar Solar Power) тизимни тақлиф этган. Тўплаган энергия кейин бир тизимга солиниб, Ерга узатилади.

Крисвелл ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб сайёраимизда яшайдиган аҳоли сонни 10 миллиарддан ошиб кетади. Шунча аҳолини зарур энергия билан таъминлаш учун камида 20 тераватт қувват талаб қилинади. Ой Кўёшдан 13 минг тераватт қувват олади. Унинг атиги бир фоизини Ерга узатиш, дея тахмин қилмоқда у, сайёраимизда атроф-муҳитни инфлослантираётган барча электр станцияларидан воз кечиш имконини беради.

LSP тизими Ойнинг (Ердан туриб қаралганда) ша-

рқий ва гарбий қисмида жойлаштириладиган 20-40 та Ой энергетик станцияларидан иборат бўлиши керак. Уларнинг ҳар бири энергияни тўплайдиган Кўёш батареялари гуруҳидан ташкил топади. Энергия Ой юзаси остидан ўтадиган энергетик кабеллар орқали микротўлқинли генераторларга йўлланади ва шу генераторлардан ўз навбатида энергия оқими Ерга жўнатилади. Уни Ер юзаси бўйлаб жойлаштирилган махсус антенна мажмуалари қабул қилиб олади.

МАРСДА УЧТА КЎЛ АНИҚЛАНДИ

Марснинг Эритрей водийсида қуриб қолган учта кўл излари топилди. Уларни қадимда ирмоқлар ўзаро бирлаштириб турган. Муаллифлар тадқиқот тафсилотларини Вернадский номдаги геохимия институтида "Вернадский-Браун" қўёш планетология бўйича Халқаро амалий учрашувга тақдим этишди.

Кўллар тизимининг умумий узунлиги 40 километрдан ортиқ бўлиб, эни, афтидан, бир километрга етарди. Сув ҳавзаларининг энг чуқур жойи 100 метрга борган, деб тахмин қилинмоқда. Эритрей водийси сайёра жанубида диаметри 140 километрга борадиган улкан Хол-

ден кратеридан шарқроқда жойлашган. Марс юзасини тадқиқ этаётган бир қанча асбоблардан олинган маълумотларни таҳлил этаркан, олимлар флювиал (дарё) чўкиндиларини аниқлашди.

2009 йил июнида ҳам тадқиқотчилар Кизил сайёрада 3,4 миллиард ёшли кўлни аниқлашганди. 207 квадрат километрлик сув ҳавзаси Шалбатан водийсида жойлашганди. Хозирги вақтда астроном олимларнинг кўпчилиги ўтмишда Марсда суюқ сув бўлганига қатъий ишонишади. Бироқ, Марсдаги сувлар қуриб қолган давр бўйича ҳозиргача ягона фикрга келингани йўқ.

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

Ўғил отасига эшикни очди:
- Вой, дада! Ойимни роса хайрон қолдирадиган бўлдингиз-да. Ахир бир соатдан бери сизга телефонда нималарнидир гапириб бераётгандилар-ку!
Жуда кеч қолган эрига хотини жаврайд:
- Қайси шайтон сизни йўлдан оздириб юрганди?
- Ие, хотин, уни сен ҳам кўргандингми? - тонг қотиб қолган эр хотинидан кўрка-писа сўрайди.
- Итингизни тинчитсангиз бўлмайди! Кеча у шундай тинмай увилладики, қизим ашу-

ладан уй вазифасини бажара олмай қолди.
- Кечирасиз, лекин сизнинг қизингиз биринчи бўлиб бошлаганди-да!
- Салима, уйингларда нима бўляпти ўзи: қайнонанг шу ойнинг ўзида уч марта кўзи-қориндан захарланди-я?
- Ойжонимнинг склерозлари айбдор - кўзиқоринни менга тайёрлаб, кейин эсларидан чикади-да, ўзлари еб кўрадилар!
- Бу ерда нима қилиб турибсан?
- Нима қилардим? Келиннинг билан театрга келдик.

- Нега кирмай турибсан?
- Машинани пойлашда бугун менинг навабим.
...
Аёл супермаркет кассасига келиб, харидларига пул тўлаш учун ҳамининг очди. Кассир ҳамондаги телевизор пультага кўзи тушиб сўради:
- Қизикувчанлигим учун кечирасиз, пултни ҳамиша ёнингизда олиб юрасизми?
- Йўқ албатта, гап шундаки, эрим мен билан бирга дўконга келишни истамади, мен ҳам унга ўчақишиб, пултни ўзим билан олволдим.

Қатрлар

САВОБ

— Икковинг неча бир-биринга тексарисан? — деди қора қумгон сув билан ўтга. — Ўз ҳолларинга қўйсақ, биринг ҳаммини вайрон қилсан, иккинчиг дуч келган нарсани қуйдирансан. Сенларни иноқлаштириб қўйма-сам бўлмайдиганга ўхшайди.
— Иложини топсанг розимиз, — дейишди сув билан ўт.
Қумгон ичига сувни тўлдириб ўзини ўтга тутди. Биқирлатиб сувни қайнатди. Ишлаб чанқанган дехонга чай тутди, кайфиятини чоғ этди.
— Бир-бирига чат бўлганни келиштириб, ишга солишинг савобига не етсин!

МАРМАР ТОШ

— Ким экан у? — ҳамроҳидан сўрайди отахон, қабристон томонга ишора қилиб.
— Ёш олим, оти, хаҳ...Онасига мрамрар тош кўяпти.

Дам олиш соатларида

Баъзан дунё тақдирини уни яхшилаш йўлидаги инсонлар ҳаракатлари эмас, балки оддий омадга боғлиқ бўлиб қолиш ҳам мумкин экан. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун дунёни ўзгартирган куйидаги ихтироларни санаб ўтишинг ўзи кифоя.

Пенициллин. Энг буюқ олимлар рейтингда сэр Александр Флеминг ҳақли равишда энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаши мумкин эди. Аммо у тозаликка унчалар риоя қилмасди. 1928 йили у ўз лабораториясидаги касаллик кўзгатувчи стафилокок бактерияларининг солинган пластик тарелкалардан бирининг пўпанак босиб, тоғорлаб қолганига кўзи тушди. Шунга қарамай, у ифлос идишни ювиб тозалаб ўтирмай, бамайлихотир лабораторияни тарк этиб, дам олиш кунларига кетаверди.

Икки кун дамни олиб, олим яна ўз лабораториясидаги тажриба-синов ишларини давом эттиришга қайтди. У ўша тарелкани микроскоп остида кўриб, могор бактерияларни ўлдириб юборганини кўрди. Айнан шу могор пенициллиннинг асосий формаси бўлиб чиқди.

Мазкур ихтиро тиббиёт тарихида энг буюқ кашфиётлардан бири ҳисобланади. Флеминг кашфиётининг аҳамияти 1940 йилга келибгина антибиотик дорилар янги турини ялпи тадқиқ этила бошланганидан сўнг маълум бўлди. Бугунги кунда антибиотиклар тиббиётда жуда кенг қўлланади ва жаҳон бўйлаб сотиладиган жами дориларнинг 15 фоизини ташкил этади.

Синмайдиган ойна. Синмайдиган ойналар автомобиль саноати ва қурилишда кенг қўлланилади. Эндиликда бундай ойналарнинг ҳамма ерда қўлланаётганини кўришимиз мумкин. Лекин француз олимни (шунингдек, рассом, бастакор ва ёзувчи) Эдуард Бенедиктус 1903 йили бўш шиша қолбани тасодифан қўлидан тушириб юборганида... билмадик янги ихтиро тақдирини қандай кечарди. Буни қарангки, қолба синмаган.

ши йилларида триплекс (синмайдиган янги ойна шундай ном олганди) газниқоблар учун ойна сифатида қўллана бошлагандан сўнг - 1944 йили Volvo ундан автомобиллар ишлаб чиқаришда фойдаланишга киришди.

Вулканизацияланган резина. Олис масофаларга юришга чидамли автомобиль гилдираклари резинаси ҳам тасодифан кашф этилган, дейиш мумкин. Чунки бунгача унинг ихтирочили кўп йиллар давомида унинг азобини тортишга тўғри келганди. Автомобиллар гилдираги резинасининг илк ихтирочили Чарльз Гудийр болагидан олис масофаларга ва автомобиль пойгаларига чидамли резина яратишни орзу қилган. Бу йўлда у турмаларга тушиб чиқди ҳам, барча дўстларидан айрилди, энг ачинарлиси - ўз болалари оч-наҳор қолиш-

БЕШ ТАСОДИФИЙ ИХТИРО

ларига чориб етишига чидашига тўғри келди.

Шундай қилиб, 1930-йилларнинг ўрталари эди. Оддий резинани яхшилаш ва мустаҳкамлаш (каучуки магнезия ва оҳакка қориштириш) бўйича икки йиллик омадсиз изланишларидан кейин Гудийр оиласи ташландиқ фабрика биносидан бошпана излаш ва балиқ овлаб кун кечиршига мажбур бўлди. Ўша кезлари у шов-шувли кашфиёт қилди: каучукини олтингурутга қориштириб, янги хил резинани яратди. Дастлабки 150 қоп резина ҳукуматга сотилди...

Аммо резина сифатсиз, мутлақо бефойда бўлиб чиқди. Янги технология самарасиз деб топилди. Гудийр яна (нечанчи марта) синганди. Ниҳоят, 1939 йили чакмоқ ургандан ёки културган ит қолганидан кейинки - Гудийр муваффақиятсиз чиққан навбатдаги резина маҳсулотини кўтариб, универсал дўконга кириб келади. Бу ерда тўплаган кишилар мажнун ихтирочини қизиқиб кузатиб туришарди... Кейин унинг устидан қулишди. Жаҳл устида Гудийр бир парча резинани қизиб турган плита устига итқитди...

Ёниб кетган резина қолдиқларини диққат билан ўрганиб, Гудийр худди шу тоғда - мутлақо тасодифий равишда мустаҳкам, қайишқоқ, сувга чидамли резина ишлаб чиқариш усулини кашф этганини англади. Шу тариха оловдан бутун бир империя дунёга келди.

Суперелим. Афсоналарга қараганда, доктор Гарри Кувер 1942 йили фотокамералари ва унга керакли анжомлари билан машғур бўлган Eastman Kodak компаниясида ишларди. Унинг олдига тўплардаги нишонга олгин учун фойдаланиладиган шаффоф пластмасса яратиш вазифаси қўйилганди. Бу иш айна иккинчи жаҳон уруши қизғин паллага кирган вақтларда содир бўлаётганлиги ва ҳамма ҳарбий саноатда қанақанги пуллар айланишини яхши биларди.

Дастлаб Кувернинг ҳафсаласи пир бўлди, негаки, олинган материал - цианокрилат - тез қотиб қолар, дуч келган нарсга ёпишиб қолаверар, лаборатория ускуналарини ишдан чиқаргани қоларди, холос. Барча замонлардаги энг ёпишқоқ универсал елимловчи воситани кашф этганини ўйлаб ҳам ўтирмай, у ёпишқоқ моддадан жаҳл билан халос бўлиб, шаффоф пластмасса яратиш устида бош қотиришни давом эттирди. Бир мунча вақт ўтгач, Кувер цианокрилатли контейнер ахлат яшиги тағига ёпишиб қолганини, уни кўчириб олишининг ҳеч қандай иложи йўқлигини фаҳмлади.

Фақат кўп йиллар ўтиб, 1958 йилда у ўз кашфиёти инсонлар учун катта фойда келтириши мумкинлигини тушуниб етди. Унинг энг катта фойдаси - шу заҳоти жароҳатларни ёпиштириб қўйишида эди. Унинг бу хусусияти Вьетнамдаги уруш вақтида жуда кўл келди ва кўплаб аскарларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Ўша вақтлардаёқ Kodak яхши эсда қоландиган Eastman номи билан елим ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди.

Микротўлқинли печь. Микротўлқинли печь - попкорн (бодроқни қиздирувчи печь) ҳам айнан бахтли тасодиф туфайли дунё юзини кўрди. Аслида ҳаммаси қурол ишлаб чиқариш лойиҳасидан бошланишини ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз! Мактаб кўрмаган муҳандис Перси ЛеБаррон Спенсер жаҳонда энг йирик Raytheon ҳарбий-саноат комплексига радар технологияларини ишлаб чиқиб шугўлланарди.

1945 йили, иккинчи жаҳон уруши тугашидан сал олдинроқ у радарлар сифатини яхшилаш бўйича тажриба-синов ишини олиб бораётганди. Шу тажрибалардан бири давомида Спенсер чўнтагидаги шоколадли батонча эриб кетганини пайқайди. Ҳар қандай одам унинг тан ҳароратидан эриганини билади. Лекин олимларга хос қандайдир туйғу билан у шоколадга бирон-бир тарзда кўзга кўринмайдиган магнетрон нурланиши "таъсир ўтказган" деган фаразга ёпишиб олди.

Ҳар қандай соғлом фикрловчи одам "сеҳрли" иссиқлик нурлари инсон танасининг ёнгинасидан ўтганини англаб оларди. Мабодо, шу ерда ҳарбийлар бўлишганда борми - улар "сузувчи бу нурлар"дан фойдаланиш йўлини дарҳол топган бўлишарди. Бироқ, Спенсер ўз кашфиётидан ҳайратга тушиб, уни фандаги чинакам ғалаба деб ҳисоблади.

Бир туркум тажрибалардан сўнг вазни 350 килограммли сув билан совутиладиган илк микротўлқинли печь яратилди. Уни ресторанлар, самолётлар ва кемаларда - яъни овқатни тез иситиш талаб қилинадиган жойларда ишлатиш кўзда тутилган.

Садриддин ДОНАБОВЕВ

Қизиқ ҳангомалар

ПАЗАНДАЧИЛИКНИНГ УЛКАН МАҲСУЛОТИ

Мексиканинг Тoluки шаҳри пазандалари бутун дунёни ҳайратга солишди: улар узунлиги 1245 метрдан ошмироқ ярим дудланган "Чорисо" колбасини тайёрлашди. Пазандачиликдаги гигант маҳсулот ҳисобланган ушбу колбасага бир ярим тонна гўшт, бир неча юз килограмм бодом ҳамда бу кенг тарқалган егулик учун аънавий бўлган бошқа масаллиқлар сарфланган. Натияжада дунёда энг улкан колбаса ҳосил бўлди.

Пазандаларнинг бу кўрсаткичларини Гиннес рекордлар китобига тақдим этиш учун уни шаҳар нотариуси рўйхатга олди. Улкан колбаса маҳсулотини махсус баҳода - 60 песодан (5 доллардан камроқ нархда) бўлакарга бўлиб сотиб юборилган.

ШВЕД МАЛИКАСИННИНГ ТЎЙИ БАРБОД БЎЛДИ

27 яшар малика билан стокгольмлик 31 ёшли юрист унаштирилганлари ўтган йилнинг августда ошкор этилганди. Бунгача улар етти йил бирга юришган. Мазкур жуфтлик шу йил кузида, узоғи билан қишда тўй маросимини ўтказишни режалаштиришганди. Бироқ, ошкор бўлган кўнгилсиз ҳодиса туфайли ёшлар бундан кейинги ҳаёт йўллари айри тушишини маълум қилишди.

Гап шундаки, британиялик талаба Тора Берг швед маликаси қайлиги билан унинг ўрталарида жўшқин ишқий саргузаштлар бўлганини журналистларга гапириб берганди. Ушбу воқеадан гоят аччиқланган қирол хонадони фотихани бузишга қарор қилган.

HOLLYWOOD ЁЗУВИ 12,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ТУШДИ

Лос-Анжелесдаги машҳур HOLLYWOOD ёзуви сақлаб қолинандиган бўлди - Америка жамоатчилик фонди бунинг учун зарур маблағни тўплашга муваффақ бўлди.

Лос-Анжелес - бутун жаҳонга донг таратган оппоқ харфлар "соҳибидир". Бироқ, улар жойлаштирилган ер чиқағолик бир гуруҳ инвесторларга тегишли. Улар, агар ер ҳақи тўланмаса - ушбу худудни бинолар қурилиши учун сотиб юборишларини айтиб, баёнот беришди.

Ёзувини асраб қолиш ишига каттадан-кичик - ҳамма киришди. Playboу журналы асосчиси Хью Хефнер ўзининг сўнгги 900 минг долларини тақдим этди. Жамоат ҳудудлари фонди 6,7 миллион доллар, Калифорния штати - 3,1 миллион доллар тўплашди, бошқа маҳаллий фондлар 2,7 миллион доллар жамғаришга ёрдам беришди.

Ёзув Голливуд тепаликларидан 1923 йилда пайдо бўлганди. Лекин у АҚШ кино саноатининг фирма рамзига айланганидан кейин машҳур бўлиб кетди. Маунт-Ли тоғи жанубий ёнбағрида жойлашган ушбу ёзув бир кўришдаёқ ҳамма танийдиган Голливуд рамзи сифатида қадрланади.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди

Ғани АБДУЛЛАЕВ

317-мактаб қошида ташкил қилинган «Кўнги-рокча» оромгоҳида ҳам болаларнинг мароқли дам олиши учун барча шарт-шароитлар мужассам.

— Айни дамда бу ерда 140 нафар ўқувчи ҳордиқ чикармоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Ёрқин Абдуллаева. — Уларнинг таътил кунларини сермазмун ташкил қилиш учун турли хил тўғараклар фаолият кўрсатиб турибди. Дам олиш хоналари ёшлар дидига мос замонавий анжуман билан жиҳозланган. Режа асосида болаларни шахримизнинг хушманзара сўлим гўшалари-

Ёз-2010

ТАЪТИЛ ЎТАВЕРСИН СОЗ

Ёзги таътилнинг иссиқнафас, аммо хуш кунларида оромгоҳларда дам олишга нима етсин. Бу борада айниқса болажонларнинг қий-чув қийқириқлари, шодон кулгуларга йўғрилган дам олиш масканлари ўзгача тароват касб этмоқда.

га, сузиш ҳавзаларига ва музейларга саёхатга олиб борамиз. Дунё шодлиги, ҳаёт мазмуни, умр чиройи фарзандларимиз билан гўзал, мазмунли ва тароватлидир. Оромгоҳимизда

амалга оширилаётган ишлар ҳам болажонларнинг масрур онлари, яхши дам олиши йўлида амалга оширилмоқда. Оромгоҳга ташрифимиз давомида ўқувчиларнинг

фикрлари билан ҳам қизиқдик.

— Мен шу мактабда таҳсил оламан. Бу йили бешинчи синфга бораман, — дейди Фарангиз Ширматов. — Оромгоҳда яратил-

ган шароитлар менга ва ўртоқларимга жуда манзур. «Моҳир кўллар», тўқиш тўғаракларига қатнашиб турибман. Ёзги таътил кунларимни мароқли ва мазмунли ўтказаяётганимдан жуда хурсандман. Ойижоним ҳам бундан мамнунлар.

Ха, ёш авлод истиқболи йўлида қилинаётган ҳар қандай иш негизда Ватан эртаси мужассам. Келажак — бу ёшлар демакдир.

Дилсўз ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Беҳуда сўзларни айтмагай эрлар, Лоф урган одамни бечора дерлар.

Аввал ўйлаб олгил, то гапиргунча.

Ёмонлик уруғин сепма жаҳонда Зиёну зарарин кўрурсан жонда.

Шул эрур ўткинчи дунёнинг иши, Ундан шод эса гоҳ, гоҳ гамнок киши.

Неки давлат топдинг, қилдинг истеъмол, Қолдирма бошқага дунё ила мол.

Ўлимнинг хабарин сақлаб бўлмас сир.

Ўлмоқ — жаҳон ичра эмас янги гап.

Туғилган ҳар кимса бир кун ўлгайдир, Хоҳи шахриёр, хоҳ чокар бўлгайдир.

Бардош бу — меҳрдан улугроқ эрур, Заифдир, тоқати кимнинг тоқ эрур.

Доим одил бўлгил, яхшилик қилгил, Кунингга яхшилик ярайдир, билгил.

Абадий қолмассан фоний саройда, Тахту ганж гурурин қилмоқ не фойда?

Керақдир яхшилик, одам ободлик, Жавонмардлик, яна хузур ва шодлик.

Хоҳ фақир бўлгину хоҳи шахриёр, Бундан ортиқ бахра сенга бўлмас ёр.

Агар бунда қолса сендан ёмон ном, Шаксиз, хуррам беҳишт сенгадир ҳаром.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Хусусий амалиёт билан шуғулланган нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни олиш учун Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси қошидаги Нотариат архивига мурожаат қилиш мумкин.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган олтин гран-при турнири мамлакатимиз спортчиларига муваффақият келтирди.

Юртимиз шарафини ҳимоя қилган полков Давид Солдадзе финалда 96 килограмм вазнда грузиялик Василий Имерлишвилини энгиб, шохсупа асосий поғонасини забт этди.

Ҳамюртларимиз Акбар Қўзиёев ва Санжарбек Жумашев эса ўз вазнларида бронза медалларини қўлга киритишди.

Швейцариянинг Давос шаҳрида батутда сакраш бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз шаънини Пекин Олимпиадаси қатнашчиси Екатерина Хилько ва Анна Савкина муносиб ҳимоя қилишди.

Мусобақаларнинг синхрон сакраш баҳсларида қизларимиз жуфтликда 45,10 балл жамғариб, бронза медалига сазовор бўлди.

Испания пойтахти Мадридда дзюдо бўйича жаҳон кубоги ўтказилди.

Турнирда курраи заминнинг кўпгина давлатларидан келган маҳоратли 30 нафардан ортиқ дзюдочи ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Мамлакатимиз вакили Ўткирбек Қурбонов 100 килограммгача вазнли полвонлар орасида учинчи ўринга сазовор бўлди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



«ИШОНЧ»НИНГ ФАХРЛИ ЁШЛАРИ

Юртимиз спортини дунёга танитишда жисмоний имконияти чекланган ёшларимиз ҳам паралимпия ва махсус олимпия йўналишлари бўйича мусобақаларда ютуқларни қўлга киритмоқда.

Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида уч йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Ишонч» спорт клуби ҳам юзга яқин жисмоний имконияти чекланган ёшларни бирлаштирган. Боғ маъмурияти томонидан уларнинг ҳар бирига саломатлиги тўғрисида ҳужжатлар жамламаси очилган бўлиб, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб келаётган тиббиёт ходимлари томонидан ҳам доимий назоратга олинган. Шу йилнинг апрель ойида Қувейт давлатида энгил атлетика тури бўйича ўтказилган Осиё биринчилигида «Ишонч» спортчилари ҳам қатнашиб, учта олтин, биттадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.

Олтин медал соҳиблари М.Сайфуллаев, Ш.Мўминов, З.Норкулов шу йили Англияда бўлиб ўтадиган паралимпия мусобақаларида қатнашиб ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Клубнинг бош мураббийи Рашид Сафариев раҳбарлик қилаётган футбол жамоаси шу йилнинг август ойида Англияда бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилигида ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш учун ҳозирда тинмай машғуллар билан банд. Ушбу жаҳон биринчилигида ўттизта мамлакат

Мамлакатимизда ёшларимизнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасидаги бир қатор фармон ва қарорлари натижаси ўлароқ фарзандларимиз кўплаб республика ва халқаро мусобақаларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

футболчилари ўзаро беллашади. Ҳозирги кунда футбол жамоамиз сафида Алишер Раҳимов, Азим Фаниев, Александр Зладеев, Шерзод Бобоқулов, Ерлан Дюсенов каби моҳир ўйинчилар бор.

Шу ўринда «Ишонч» клуби энгил атлетикачиларининг мураббийси Леонтий Скрипчининг меҳнатини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиздир. Волейбол бўйича мураббий Гулжаҳон Маҳаммадқулова ва жамоа сардори Ойбек Исаевнинг ҳам спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш борасида хизмати катта бўлмоқда.

Спорт клубига Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали, Республика Паралимпия ассоциацияси томонидан бир неча мартаба спорт анжомлари ва костюмлар тортиқ қилинди.

Машғулотлар кўнгилдагидек ўтиши учун Митрофанов номидаги сув спорти саройи, «Ёшлик»,

«Чилонзор» ва «Оқтепа» спорт мажмуалари, 66-махсус мактаб томонидан «Ишонч»га тасарруфдаги спорт иншоотларидан фойдаланишга кенг шароит яратиб берилаётгани эътиборга моликдир.

Спортчилар орасида санъатнинг кўшиқчилик йўналиши бўйича ижод қилаётган ёшларимиз ҳам талайгина. Улар Толибжон Содиков номидаги маданият уйи қошидаги «Яшлек» ашула ва рақс дастасига ҳам қатнашиб, кўшиқчилик йўналиши бўйича маҳоратини ошириб келмоқда. Клуб қатнашчиларининг маданий дам олиши ва турли мавзулардаги тадбирларда фаол иштирок этиши учун боғда ҳам барча шароитлар яратилган.

Давлатимиз, шунингдек турли ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган гамхўрлик спортчиларимизни янги-янги марраларни забт этишга чорлаши шубҳасиз.

Мирзааҳмад СОДИҚОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

1. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 03.09.2009 йилдаги 10-0920/10794-сонли ижро ҳужжатига асосан, Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими биноси ҳудудида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) «ВАЗ-21074-110-30» русумли, д/р 10ВН267 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 950 000 сўм. 2) «ВАЗ-21074-110-30» русумли, д/р 10ВН255 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 950 000 сўм. 3) «ВАЗ-21074-110-30» русумли, д/р 10ВН271 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 950 000 сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш оմборхонасида сақланаётган қуйидагилар қўйилмоқда:

1) ЖИБ Бектемир тумани 17.02.2010 йилдаги 1-9/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, «Нексия» русумли, д/р 11L0250 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 504 000 сўм. 2) ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 12.03.2010 йилдаги 1-80/2010-сонли ижро ҳужжатига асосан, «Шевролет Такума» русумли, д/р 01L123AA бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 25 277 371 сўм. 3) ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 30.03.2010 йилдаги 1-110/2010-сонли ижро ҳужжатига асосан, «ГАЗ-2410» русумли, д/р 30Y1306 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 617 464,80 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчаси мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилади:

3. Тошкент ҳарбий округ ҳарбий судининг 12.03.2010 йилдаги 161/2010-сонли ижро ҳужжатларига асосан, Ўзбекистон Республикаси МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш оմборхонасида сақланаётган: «Нексия» русумли, д/р 30S7577 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 540 749 сўм. — «Тойота Карола» русумли, д/р 10Н8233 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 36 864 288 сўм. — «Матиз» русумли, д/р 10Q4505 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 781 110 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 27 июль кунин соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 27 июлдаги аукцион савдосида сотиламаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 12 август кунин бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишди. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.ktmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

4. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, ФИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 15.07.2009 йилдаги 3633-09-сонли ижро ҳужжати асосан, Сергели тумани, Спутник-4, Қора йўл кўчасида жойлашган, бир қаватли ер участкасининг умумий майдони 131 кв.м. бўлган, 1994 йилда қурилган Савдо дўкони қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 32 081 000 сўм. Аукцион савдоси 2010 йил 27 июль кунин соат 11:00да бўлиб ўтади.

Шунингдек 2010 йил 13 июль кунин соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан такроран қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 18.03.2009 йилдаги №10-0814/15304 ижро ҳужжати асосан, Тошкент ш., Сергели т. Саннат ҳудудида жойлашган, «Уктам Дивёр» МЧЖга тегишли умумий майдони 222,0 кв.м. бўлган, ишлаб чиқариш цеҳи биносининг Б-блок чап қанот қисми қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 61 648 200 сўм.

2. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, ЖИБ Учтепа судининг 30.04.2008 йилдаги ижро ҳужжати асосан, Учтепа т. Халқа йўли, 20-ўйда сақланаётган, «Камаз-5320» русумли, д/р 10АЯ388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 8 162 048,03 сўм.

3. Аукцион савдосига М.Улўбек тумани СИБ томонидан, 24.09.2008 йилдаги 1-172-08-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси жарима майдонидан сақланаётган, «Ниссан Алмера» русумли, д/р D439PFXM

бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 8 483 373 сўм.

4. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан, ЖИБ Бектемир тумани судининг 29.07.2009 йилдаги 1-311/09-сонли ижро ҳужжати асосан, Чилонзор тумани «Эркин» жарима майдонидан сақланаётган «Тико» русумли, д/р 21J6838 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 7 695 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари иштирокида бевоқифа жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган заҳалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО:01036, ИНН:200933850. Тузатиш: «Тошкент оқшом» газетасининг 24.05.2010 йилдаги 99-сонида чоп этилган «Тойота камри» русумли, д/р 30S3313 бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 20 501 058 сўм деб ўқилсин. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.ktmb.uz

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
5617 нусхада босилди.
Қўғоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Бу юртимиз Г - 506
Топширилган вақти: 16.20